



## ИНФОРМАТИКА МАШГУЛОТЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

**Эсанбай Омонмуратович Бабаев**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори*

**Мадинов Нуриддин Хайруллаевич**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори ўринбосари*

**Шаробитдинова Хайрихон Салимовна**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби ёшлар билан ишилаш  
бўйича директори ўринбосари*

**Маъмуроев Маъмурбой Худойназарович**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби ишилаб чиқарии  
таълими бўйича директори ўринбосари*

**Мўминов Нурмуҳаммад Баҳтиёр ўғли**

*Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби маҳсус фан ўқитувчиси*

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари бўлажак мутахассисларни ҳаётга ва юқори даражада ривожланаётган ахборот муҳитига тайёрлаш, ўқувчига билимни мустақил эгаллаш сифати ва самарадорлигини ошириши ифодаланган.

**Таянч сўзлар:** Ўқувчи, компьютер, билим ва кўникма, фаоллик, таълим, электрон дарслик, касбий фаолият, психологик-педагогик.

Кейинги ўн-ўн беш йил ичида компьютер ва ахборот технологиялари ҳаётимизга жадал кириб келди. Компьютер – ахборот олиш ва уни ишилашнинг қудратли воситаси. Компьютер ва ахборот технологиялари, уларнинг тезкор таъсири кишиларни хайратда қолдирмоқда. Бугунги кунда улар таълим жараёнида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Компьютер ва ахборот технологиялари бўлажак мутахассисларни ҳаётга ва юқори даражада ривожланаётган муҳитига тайёрлаш, ўқитишининг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда билим олиш имкониятини таъминлайди. Информатикани ўрганиш жуда катта таълимий ва касбий аҳамиятга эга

Айниқса, ҳозирги шароитда касб-хунар таълими жадал ривожланмоқда, ахборот оқими эса узлуксиз равишда ортмоқда. Бу эса таълимни ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришнинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Компьютер ва янги ахборот технологиялари таълимга янги ёндашувларни қўллаш имконини берди. Ўқувчиларга билимни мустақил эгаллаш ва амалда татбиқ этишининг янги восита ва методларини тақдим этди. Таълим муассасасининг касбий фаолиятга йўналтирувчи дадактик муҳитини яратиш ўқитиши сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бундай муҳитда ўкув мақсадларига эришиш учун ахборотлар тизимлаштирилади. Бу эса, турли фанлар бўйича электрон ўкув воситалари (хусусан, электрон ўкув-услубий мажмуалар,



ўқитишининг компьютер дастурлари) ни яратиш орқали амалга оширилади.

Ўкув-услубий компьютер мажмуалари ва мультмедиалар ўқув хоналарида ўқувчиларнинг индивидуал ишлаши ёки бутун гуруҳ ишини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилади. Улардан фойдаланиш қўйдагиларга имкон беради:

- ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш;
- билим ва кўникмаларни фаоллаштириш;
- интерфаол ўқитиши асосида амалий кўникмаларни шакллантириш;
- табақалаштириб ўзлаштирилишини ва амалий кўникмаларнинг шаклланинишини даврий равишда кузатиш;
- ўқувчиларнинг амалий топшириқларни бажаришига тезкор аралashiш;
- ўқув материали устида ишлаш имкониятини кенгайтириш ва шахсга йўналтирилган ўқув жараёнининг мослашувчанлиги, вариативлигини таъминлаш;
- педагогик меҳнат самарадорлигини ошириш.

Ўқитувчининг вазифаси битирувчиларнинг “ахборот” жамиятидаги касбий фаолиятга ва мустақил хаётга тайёрлашдангина иборат эмас. Информатика машғулотларида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини, билим ва кўникмаларини фаоллаштириш орқали уларда информацион ва касбий компетенликни шакллантириш муҳим педагогик муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ҳозирги замон таълимнинг асосий устувор йўналишларидан биридир. Информацион компетентлик умумий ўқув ва умумий интеллектуал характеристерга эга.

Компьютер техникасидан фойдаланиб, машғулотларни қизиқарли ва ноанъанавий шаклларда ўтказиш, ўқув материалларини турли усувларда тақдим этиш мумкин.

Таълим муассасаларида “Информатика” ва “Ахборот технологиялари” курсларини ўрганишда ўқувчиларни табақалаштириб ўқитиши методи, яъни уларнинг қизиқиши, тажрибаси, билим даражаси, қобилиятига қараб гуруҳларга ажратиб ўқитиши жуда қўл келади. Чунки бунда ҳар бир гуруҳ учун алоҳида-алоҳида ўқув топшириқлари ва масалалар ишлаб чиқилиб, уларнинг хилма-хиллигини таъминланади.

Айниқса, кейинги вақтларда компьютер техникасининг жадал ривожланиши натижасида ўқув жараёнида электрон дарсликлардан кенг фойдаланилмоқда. Электрон дарслик – бу дарсликларнинг янги тури ва янги авлодидир. Электрон дарслиқдан фойдаланилганда ўқувчиларнинг товуш ва визуал қабул қилиши туфайли жуда кўплаб ўқув фанларини пухта ўзлаштиришлари учун имкон туғилади.

Ўқувчилар компьютерда тақдим этилган тестлар ва топшириқларни катта қизиқиши билан бажарадилар. Энг муҳими шундаки, уларнинг билимларини компьютернинг ўзи баҳолайди.

Ўқув жараёнида компьютер ва ахборот технологияларини қўллашга оид педагогик ишларнинг долзарблигини таълимни ахборотлаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар сонининг ортиши ҳам исботлайди. Бундай ишлар қаторига

Н.В.Апатов, Н.Н.Булгаков, А.А.Вербицкий, А.А.Гин, А.М.Подковиров, Г.К.Селевко, М.Абдуқодиров, Р.Боқиев, Ю.Йўлдошев, М.Лутфуллаев, Д.Сайфуров, Ж.Хамидов, О.Тўракулов ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазаларни эътиборга олиб айтиш мумкинки, информатика машғулотларида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти, билим ва кўникмаларини электрон дарслик ёрдамида фаоллаштириш бугунги кунда долзарб педагогик масалалардан ҳисобланади.

Дастлаб ушбу муаммо бўйича нашр этилган психологик-педагогик адабиётларни таҳлил этамиз. Сўнгра информатика машғулотларида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти, билим ва кўникмаларини электрон дарслик ёрдамида фаоллаштириш технологияси ҳақида қисқача сўз юритамиз. Психология фанида психиканинг асосий функцияси инсон фаолиятининг аниқ жараёнларини бевосита бошқариш эканлиги таъкидлаб ўтилган. У ҳар қандай фаолият, шу жумладан, билиш, таълим олиш фаолияти тузилмаси асосида ётади.

Файласув олимлардан М.С.Коган билиш фаолиятини тўрт блокка ажратади:

1. Мотивацияни шакллантириш – субъект ички мотивацияга эга бўлиш керак.
2. Аниқ йўналиши (фаолият асоси) ни белгилаш. Бу мақсад қўйишда ва фаолият режаси, дастури ва технологиясини ишлаб чиқишида ўз ифодасини топади.
3. Ижро механизмларини ўзлаштириш, улардан фойдаланиш қўнимасини эгаллаш.
4. Фаолият натижасини баҳолаш (у туфайли қайта алоқани ўрнатиш имкони туғилади). Мотивацион компонент (эҳтиёжлар, қизиқишилар, мотивлар) – ўқувчиларнинг фаол ўқиши жараёнига жалб этишини таъминлайди ва бу фаолликни ўқув-билиш фаолиятининг барча босқичларида қўллаб-куватлайди.

Ориентацион компонент (фаолият асосини белгилаш компоненти) – ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятини мақсадини қабул қилиши (белгилаши), режалаштириш ва прогноз қилиш. Мазмуний-амалий компонент – асосий билимлар тизими (тасаввурлар, далиллар, тушунчалар, қонунлар, назария) ва таълим усулларидан ташкил топади (ахборотларни олиш ва қайта ишлаш ҳамда билимларни амалда қўллаш

Баҳолаш компоненти – фаолият натижаларини бажарилган вазифалар билан солишишириш асосида фаолиятнинг амалга оширилиши ҳақида қайтар ахборот олиш. Ўқиши жараённада ушбу компонентнинг мавжудлиги ва барча компонентлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таълим жараённада ўзини ўзи бошқариш имконини беради. Ўқув-билиш фаоллигининг қўйдаги типларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Янги билимларининг зарурлигини англашга олиб келувчи иш-амаллар:
  - а) янги далиллар, ҳодисалар, жараёнларни тушуниш учун назарий билимларни етишмаслигини англашга олиб келувчи дастлабки амалий ишлар (жадваллар, схемалар, тажрибалар, мисоллар билан ишлаш);
  - б) ўрганилаётган масаланинг назарий ва амалий аҳамиятини тушуниш мақсадида амалга ошириладиган ишлар;
  - в) далиллар ва ҳодисаларни таққослаш ҳамда таҳлил этиш бўйича амаллар;

г) фаразларни илгари суриш ва уларни асослаш учун ўкувчилар билимни фаоллаштириш.

2. Келгусида назарий умумлаштиришлар учун аниқ асос яратиш ишлари: а) маълум далилларни аниқлаштириш;

б) янги далилларни тўплаш;

3. Далиллар асосланган материалларни умумлаштириш:

а) таққослаш асосида дастлабки умумлаштиришлар (далилларни таққослаш ва бир-бирига қарши қўйиш); б) Аввалги

умумлаштиришларга асосланган ҳолда янги умумлаштиришлар (иккинчи, учинчи ва ҳакозо тартибдаги умулаштириш). Бундай қатор кетма-кет умумлаштиришлар машғулотларни, мазмuni якуний умумлаштиришга олиб келади. Умумлаштириш ўкув фанининг асосий гоясини ўз ичига қамраб олади.

4. Умумлаштиришларни қиёслаш амаллари:

а) аниқ шароитларда умумийликнинг намаён бўлиш ҳоларини топиш;

б) умумлаштиришлардан зидиятли далиллар, ҳодисаларни тушунтиришда фойдаланиш;

в) умумлаштиришдан вазиятларни ўзгартиришда фойдаланиш.

Ўкувчиларни фаоллаштиришни уларнинг фаолиятини кучайтириш сифатида тушунмаслик керак. Ўкувчиларни фаоллаштириш таълим ва тарбия ишида аниқ мақсадларга эришмоқ учун маҳсус интеллектуал, ахлоқий-иродавий ва жисмоний кучларини сафарбар этишдир. Ўкув-билиш фаолияти, билим ва кўникмаларини фаоллаштиришнинг қайдаги даражаларини кўрсатиш мумкин.

1. Ўкув-билиш фаолияти, билим ва кўникмаларини фаоллаштиришнинг биринчи даражаси – қайта тиклаш фаоллиги.

Ўкув-билиш фаолияти, билим ва кўникмалари фаоллаштиришнинг биринчи даражаси ўкувчининг билимларни тушуниш, эслаб қолиш ва қайта тиклашга, намунага қараб уни амалий қўллаш усулини эгаллашга интилишини характерлайди. Бу босқичда ўкувчидаги ирода кучи барқарор ривожланмаган бўлади. У ўз билимини чукурлаштиришга унчалик қизиқмайди ва ўзига ўзи “Нима учун?” саволини кўпроқ бермайди.

2. Ўкув билиш фаолияти, билим ва кўникмаларни фаоллаштиришнинг иккинчи – даражаси талқин этиш фаоллиги.

Ўкув билиш фаолияти, билим ва кўникмаларни фаоллаштиришнинг иккинчи даражаси ўкувчининг ўрганилган ўкув материали мазмuni маъносини аниқлашга, ҳодисалар ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқликларни билишга, ўзлаштириган билимларини вазиятларни ўзгартиришда қўллаш усувларини эгаллашга интилиши билан характерланади.

Характерли кўрсаткичи: катта барқарор иродавий куч ўкувчининг бошлаган ишини охирига етказишга интилишида намоён бўлади, у хатто қийналган чоғларида ҳам масала ёки муаммони ҳал этишдан воз кечмайди, уларни ечиш йўлларини ахтаради.

3. Ўкув-билиш



фаолияти, билим ва кўникмаларни фаоллаштиришнинг учинчи даражаси – ижодий. Ўқув-билиш фаолияти, билим ва кўникмаларни фаоллаштиришнинг учинчи даражаси ўқувчининг ҳодисалар мөҳиятига ва уларнинг ўзаро алоқадорлигига қизиқиш ва уни терангроқ англашга ва бунинг учун янги усулларни топишга интилиши билан характерланади.

Характерли хусусияти – мақсадга эришиш учун ўқувчидаги ирода кучи, тиришқоқлик ва қаътиятлилик, кенг ва барқарор қизиқишининг юқори даражада намоён бўлиши. Фаолликнинг айни даражаси ўқувчининг нимани билгани билан ўзининг амалий тажрибасида нимага дуч келгани ўртасидаги зиддият, янги ахборотлар ва ҳодисалар ўртасида номувофикаларни англаши билан ўзвий боғлиқликни таъминлаш орқали эришилади.

Фаоллик шахс фаолиятининг сифати. У таълимнинг ҳар қандай (таълимнинг хаёт билан алоқадорлиги, илмийлик, билимларни онгли равишда ва пухта ўзлаштириш, кўргазмалилик, ўқувчига индивидуал ёндашиш) тамойилини жорий этишнинг ажралмас шарти ва кўрсаткичи ҳисобланади.

Шундай қилиб, таълимдаги фаоллик тамойили унинг тизимида барча тамойиллар билан диалектик бирликда бўлади. Таълим мазмуни, шакли, метод ва усуллари ўқувчилар фаоллигининг воситаси ҳисобланади.

Ўқитувчининг вазифаси ўқув-билиш фаолиятида ўқувчиларнинг умумий фаоллигини эмас, балки уларнинг асосий билимларни ва фаолият усулларини эгаллашга қаратилган фаоллигини таъминлашдан иборат.

Ўқитиши фаоллаштириш – ўқувчининг аниқ муаммоларини англаш ва ечишга қаратилган фаолиятини ташкил этишдан иборат. Ўқув муаммоси – бу ҳамма вақт билмаслик ҳақидаги билимдир, яъни юзага келган билиш эҳтиёжини қондириш учун билимларнинг этишмаслигини англашдир.

Таълимда фаоллик тамойилини жорий этиш учун ижодий характердаги мустақил ишлар алоҳида аҳамиятга эга.

#### *Педагогик технология модели*

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган педагогик технология касбий таълимда компьютер ва ахборот технологияларини қўллашнинг уч моделини ривожлантиришни назарда тутади:

- компьютер – билиш воситаси;
- компьютер – таълим бериш воситаси;
- компьютер – ўрганиш объекти.

Ўқитувчининг вазифаси доирасида компьютер: - ўқув ахборот манбаи ( ўқитувчи ва китоб вазифасини қисман ёки тўла бажаради);

- кўргазмали қўлланма (мульмедиа ва телекоммуникация имкониятлари туфайли қўлланманинг мутлақо янги тури); - индивидуал ахборот мухити;

- тренажёр;
- ташхис ва назорат воситаси;
- табақалаштириб ўқитиши воситаси;

Ишчи инструмент вазифасида компьютер:

- матнларни тайёрлаш ва уларни сақлаш воситаси;

- ўқувчиларни ўқув-билиш фаолияти, билим ва күникмаларини фаоллаштириш воситаси; - матнни

тахрирлаш воситаси; - графиклар

ясаш, графикларни тахрир қилиш воситаси; - катта имкониятга эга

хисоблаш воситаси (натижаларни турли күринишларда расмийлаштириш имконига эга); - моделлаштириш воситаси.

Күйдаги ҳолларда компьютер таълим обьекти вазифасини бажаради:

- дастурлаштиришда, компьютерни маълум жараёнлар

асосида ўргатишда;

- дастурий маҳсулотларни яратишда;

- турли аҳборот муҳитларни қўллашда.

Ушбу технологиянинг мақсади: Информатика машғулотларида электрон дарсликдан фойдаланган ҳолда ўқувчининг ўқув-билиш фаолияти, билим ва күникмаларини фаоллаштириш (ишланмалар тайёрлаш). Ўқувчининг

табақалаштириб ўқитишдан олдин уларнинг “Информатика” “Аҳборот технологиялари” фанларига бўлган муносабати, қизиқиши, мотивацияси, билим ва күникмаларини билиш мақсадида икки гуруҳда (масалан, А ва В гурухларда) “Фан ҳақида сұхбат” мавзусида тест саволлари ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ижобий жавоб учун – 3 балл, бетарафлик учун – 1 балл, салбий жавоб учун – 0 балл берилади ва натижалар жадвалига киритилади. Гурух ўқувчиларидан олинган маълумотлар сифатий ва қиёсий таҳлил қилиниб, гистограмма чизилади ва унда қуйдагилар кўрсатилади: 1 – коммуникатив қобилиятнинг ривожланиш даражаси; 2 – мотивациянинг ривожланиш даражаси; 3 – қизиқишнинг ривожланиш даражаси; 4 – кўникманинг ривожланиш даражаси; 5 – билимнинг ривожланиш даражаси.

Натижаларга қараб, таълим жараёнида зарур бўладиган билим ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида табақалаштирилган ёндашув методи қўлланилади. Ўқувчиларда билим ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражасига қараб улар уч гурухга ажратилади:

1. Билим ва кўникмалари юқори даражада ривожланган ўқувчилар. 2. Билим ва кўникмалари ўртача даражада ривожланган ўқувчилар.

3. Билим паст ва кўникмалари ривожланмаган ўқувчилар. Шундан сўнг ҳар бир гурух ўқувчилари учун алоҳида-алоҳида топшириклар ишлаб чиқилади.

Мазкур

технологияни ишлаб чиқишида биз таълим муассасаларида “Информатика” “Аҳборот технологиялари” ни факат назарий ўрганиш тадқиқ этиладиган ходиса ва обьектлар ҳақида тўла тасаввур бермайди, деган мулоҳазага таяндик. Шунинг учун ҳам, ушбу технологияда кўргазмали воситалардан оқилона фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилади. Кўргазмалилик ўқувчиларда кузатувчанлик, диққат-эътибор, нутқ ва фикрлашнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун замонавий электрон дарсликлар катта имкониятлар туғдиради. Ўқитишининг одатдаги техник

воситаларидан фарқли ўлароқ электрон дарсликлар ўкувчилар учун нафақат тангланган ва тизимлаштирилган тайёр билимларни мужассам этади, балки уларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятини ҳам ривожлантиради. Ўкув материалларининг кўргазмалилиги туфайли уларни ўкувчилар яхши ўзлаштирадилар. Чунки бунда ўкувчиларнинг аъзолари, яъни кўриш, ҳаракат, эшитиш, товуш ва эмоционал қабул қилиш аъзолари ишга тушади.

Электрон ўкув дарслигидан алоҳида-

алоҳида мавзуларни ўрганишда ёки машғулотларнинг исталган босқичида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Негаки, бу усул ўрганилаётган ўкув материалини пухта ўзлаштириш ва узоқ вақт эсда сақлаш имконини беради. Ўкув материалини электрон дарслек ёрдамида тақдим этиш ўқитиш вақтини анча қисқартиради. Бундай машғулотларда асосан қўйдаги дидактик масалалар ҳал этилади:

- а) ўкув фани бўйича таянч билимларни тизимлаштириш;
- б) ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш;
- в) ўзини ўзи назорат қилиш кўникмасини шакллантириш;
- г) билим олишга, хусусан, “Информатика” фанини чуқур ўрганишга мотивация уйғотиш;
- д) ўкув материали билан мустақил ишлашда ўкувчиларга ўкув-услубий ёрдам қўрсатиш;
- е) олган назарий билимларини амалда қўллашга ўргатиш.

Айни педагогик технологияда қўлланиладиган иш шакллари ва методлари қўйдагилардан иборат: фронтал иш, гурухларда ишлаш, электрон дарслек воситасида ўзини ўзи назорат қилиш, бир-бирини ўзаро назорат қилиш, жуфт-жуфт бўлиб ишлаш, компьютер орқали тестлар ўtkазиш, электрон дарслек орқали мустақил тайёрланиш, ўз билимларини намойиш қилиш бўйича мусобақалар ташкил этиш (ўйин методлари), хар хил топшириқларини бажариш.

Мустақил ўқиши жараёнида ўкувчиларнинг ўкув-билиш фаолияти, билим ва кўникмаларини фаоллаштириш учун катта имконият туғилади. Бунинг учун индивидуал методикалар, ўйин технологиялари, ижодий топшириқлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

“Информатика дарсларида электрон дарслек воситасида ўкувчиларнинг билимини фаоллаштириш” мавзусида ташкил этиладиган машғулотнинг асосий тамоилиллари қўйдагилардан иборат:

1. Амалий топшириқларни бажаришини танлов-мусобақа характеристида ташкил этиши, ўкувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаши. Бунда гуруҳда етакчиликка интилиш кучаяди. Мустақил ўқишига мотивацияни кучайтириш учун рағбатлантириш методи қўлланилади.
2. Топшириқларни компьютер ёрдаимда мустақил бажаришини таъминлаши. Мустақил ўқиши таълим олувчиларнинг маъсулиятини оширади. Мустақил қарор қабул қилиш ўзига ишонч ва ижобий эмоция уйғотади. Қайта ишлаш ва қайта ўқишига барқарор истак туғдиради. Аста-секин мураккаб топшириқларни мустақил бажаришга киришилади.

3. Компьютернинг мультмедиа имкониятларидан максимал даражада фойдаланиши. Мульмедиа воситаси ўқитишнинг бошқа техник воситаларига қараганда кўргазмалироқ. Бундан ташқари, мультмедиа воситаси “



ўқувчи – компьютер” мулокотини фаол таъминлаш имконини беради.

4. *Машгулот жараёнида психологиятк қулагилк яратиш.* Бунда ҳозирги замон ўқувчилари ва ривожлантирувчи дастурларнинг интерфейслари жуда қўл келади. Ўқувчилар хато қилишдан қўрқмайдилар. Улар ижобий натижаларга эга бўлгунича топшириқларни қайта-қайта бажаришлари мумкин. Тортинчок ва нофаол ўқувчилар ҳам топшириқларни эркин бажаришади.

5. *Ўқувчиларнинг ўқув фанлари бўйича олган билимларидан кенг фойдаланиш.* Информатика машғулотларида ривожлантирувчи ва таълим дастурларини қўллаш нафақат касбий билимларни мустаҳкамлашга, балки уларни чукурроқ ўрганишга имкон беради, фанлараро алоқани таъминлайди. Ўқувчиларда оламни яхлит манзараси ҳақида тасаввур ривожланади. “Информатика” дарсларида электрон дарсликдан фойдаланиш асосида машғулотларни ташкил этишининг юқорида санаб ўтилган тамойиллари ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш, билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва уларни амалий қўллаш имкониятини таъминлайди.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Р.Н.Усмонов, Ф.А.Рахматов, Б.М.Нурметов Компьютер тизимларига техник хизмат кўрсатиш. Тошкент – “Илм-зиё”-2014.
2. М.Исоқов, Й.Маннонов, К.Мавлонов. Интернет тизимидан фойдаланиш. Тошкент – “Илм-зиё”-2017
3. М.М.Камилов, М.З.Бабамухамедова. Дастурий таъминот. Тошкент-“Иқтисод-Молия” 2017.
4. Н.И.Содиқова, Э.А.Корниенко, М.Д.Хошимходжаева. Шахсий компьютер ва офис қурилмаларига техник хизмат кўрсатиш. Тошкент- “Ворис-нашриёт”2017.
5. Ф.Ф.Ражабов, Н.С.Атаджанова, Н.А.Ирмухамедова. Рақамли ахборотларни қайта ишлаш ва яратиш технологияси. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси “Фан” нашриёти Тошкент – 2021.
6. Ш.И.Раззоқов. Ш.С.Йўлдошев, У.М.Ибрагимов. Компьютер графикаси. Тошкент-“Ношир” 2017.
7. М.Раимова. Касб-хунар таълими Илмий-услубий журнал 2011.